

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида иқтисодий ва сармоя соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг иккинчи давраси бўлиб ўтди. Маслаҳатлашувларда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, томонлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан фикр алмашдилар.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг «Таълим сифати ва меҳнат бозори талабларини уйғунлаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда ўтказган ҳудудий семинарлар Андижон вилоятида якунига етди. Анжуманларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини самарали ташкил этишнинг энг мақбул йўллари хусусида фикр юритилди.

● Фарғона вилоятида «Саломатлик ҳафтида» уюштирилди. Ушбу тадбир доирасида жойларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди, қишлоқ жойларда яшаётган аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Парижда «Катта йигирматалик»ка кирувчи давлатлар молия вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар валюта тизимида ислохотларни амалга ошириш масаласини кўриб чиқдилар.

● Кеца Германиянинг Гамбург шаҳрида минтақавий сайловлар бўлиб ўтди. Унда 48,5 фоиз овоз тўплаган мухолифатдаги социал-демократлар партияси голиб чиқди. Эндиликда ушбу партия раҳбари Олаф Шольц Гамбургнинг янги бургомистри вазифасини бажаради. Келгусида Германиянинг яна 7та ҳудудий ерида минтақавий сайловлар ўтказилади.

● Куба ташқи ишлар вазири бугун Москвада Куба ва Россия ўртасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш масалаларини муҳокама этади.

● Японияда «Кўринмас» самолётларни излаб топиш ва ушлашга мўлжалланган ҳаводан бериладиган ҳужумга қарши мудофаанинг янги тизими жорий этилади.

● Бугундан бошлаб Ироқда поездлар ҳаракати тўхтатилди. Зеро, Ироқ молия вазирлигининг мамлакат темир йўл компаниясига мублаг ажратишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори маълум қилинганидан сўнг шундай тўхтамага келинган.

● Вьетнамнинг Ха Лонг кўрғазида сайёҳлар тўла катернинг сувга чўкиб кетиши натижасида камида 15 нафар сайёҳ ҳалок бўлди. Кутқарув хизмати ходимларининг ёрдами билан 20 га яқин кишининг ҳаёти сақлаб қолинган. Маълумотларга кўра кемада АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Дания каби ўндан ортик мамлакатлардан келган сайёҳлар бўлган. Бахтсиз ҳодиса денгизда юзага келган тўфон оқибатида содир бўлган.

● Колумбиянинг Каука музофотидаги қалин ўрмонлар ботқоғида гиёҳванд моддалар контрабандачилари томонидан шох-шаббалар билан яшириб қўйилган сув ости кемаси топилди. Контрабанда оғу ортилган кема тез қулларда Мексика томон сузиб кетишга шай қилиб қўйилган экан. Мутахасссларнинг таъкидлашича, бу кема шу пайтгача контрабандачилардан тортиб олинган шу турдаги техник воситаларнинг энг мукаммали ва қимматбаҳосидир.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (11.847)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодий

РАҚОБАТ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Шаҳримиздаги «Hi-Tech-Kabel» қўшма корхонаси ҳам Буюк британиялик ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган. Корхонада паст ва юқори кучлинишли кабель ўтказгичлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирда 400 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган корхонанинг электр маҳсулотлари — 10 ва 35 киловатли кабеллар кўпгаб тармоқларда, халқ ҳўжалигида, саноатда, халқ истеъмоли моллари сифатида ишлатилса, бошқа турдаги юртимиздаги тоғ-кон комбинатлари, авиация, денгиз транспорти, нефть-газ, темир йўл, барча электр станциялари, қишлоқ ҳўжалиги, турар жой биноларини бунёд этишда ниҳоятда кўл келмоқда.

«htk» савдо белгиси остида тайёрланаётган кабеллар асосан Ўзбекистон билан Россия давлатларида ҳамкорликда синовдан ўтказилади. Тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида халқаро «ISO 9001:2000 сифат стандарти талаблари даражасида менежмент тизими иш-

лаб чиқилгани ўз самарасини бермоқда. Айни чоғда корхонада бу борадаги изланишлар жадал давом эттирилиб, сифатли хом ашёдан фойдаланиш, кадрлар малакасини доимий ошириб бориш, маҳсулот турларини кўпайтириш масалаларига муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида қўшма корхонада хорижий энг замонавий, юксак самарали технологик линиялари ўрнатилгани ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда, маҳсулот сифатини таъминламоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга амалга оширган расмий ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралари вакилларининг диққат-эътиборидан жой олган.

Хусусан, Бельгия «Элмонт» Қироллик институтининг Халқаро муносабатлар бўйича тадқиқотчиси, «Лувен Ля Нев» университети профессори Т.Струи Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги олий даражадаги алоқаларнинг муҳимлигини таъкидлайди. «Ушбу муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосини янада кенгайтиришга имкон беради. Япония иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, жаҳонда учинчи ўринда туради. У саноати юқори ривожланган давлатдир. Ўзбекистон — иқтисоди жадал ривожланиб бораётган, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакат».

Экспертнинг нуктаи назарига кўра, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ривожлантириш Япония ташқи сиёсатининг устувор вазифалари қаторига қиради. «Ўзбекистон билан Япония ўртасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда мустаҳкам ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар бугунги кунда жадал сурьатлар билан ривожланмоқда. Токио Тошкентни минтақадаги ишончли шерик деб ҳисоблайди», дея таъкидлади Т.Струи.

Унинг фикрича, Ўзбекистон ва Япония машинасозлик, нефть-кимё, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, туризм, транспорт ва қурилиш молларини ишлаб чиқариш соҳаларида улкан салоҳиятга эга. Бельгиялик экспертнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи Япония билан ҳамкорлик йўналишлари, айниқса юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликнинг кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Осака шаҳридаги фахрий консули Т.Тоура расмий ташриф ўз вақтида амалга оширилгани ва долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Япония Марказий Осиёдаги иқтисодий барқарор давлат бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлаш қанчалик муҳим эканини яхши англайди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташрифи давомида Император Акихито, Бош вазир Н.Кан, Ташқи ишлар вазири С.Маэхара ва Япония Парламенти палаталари раҳбарлари билан олиб борилган самарали ва конструктив музокараларни олқишлади.

Т.Тоуранинг сўзларига кўра, япон халқи Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг расмий ташрифини юқори баҳолайди, унинг асосида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар эса сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга туртки бўлади. У хусусан энергетика ва минерал хом ашё ресурсларини қазиб олиш соҳасида эришилган келишувларни алоҳида қайд этди.

Т.Тоура Ўзбекистоннинг Осака шаҳридаги фахрий консули сифатида икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш ва Ўзбекистон иқтисодийётига япон сармояларини жалб этиш йўлида бор куч-гайратини сафарбар қилишга ваъда берди.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди, — деди Япония Парламенти юқори палатасининг Халқаро департаменти Бош директори И.Идако. — Сиёсий, парламентарларо, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга янги асос солган Кўшма баёнотнинг имзоланиши, ташрифининг энг муҳим якуни бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Депутат: бурч ва масъулият

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, кўз олдимизда бирин-кетин мустақиллик олдмалари гавдаланади: атиги йигирма йил бўлса-да, эришган ютуқларимиз ўлчами кенг, беповён. Энг муҳими — ҳар бирида инсон омили устувордир.

Давлатимиз раҳбари демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича концептуал тақлифларни билдирад экан, яна бир бор давлат бош ислохотчи сифатида ҳар бир инсоннинг манфаатлари таъминланишига қаратилган эканлигини, ислохотларни чуқурлаштириш жараёни унинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этди.

Ҳаёт бугун шиддат билан кечмоқда. Ҳар кун, ҳар лаҳза олдимизга янги талабларни қўймоқда, у ёки бу масалалар ечимида янги ёндошувларни тақозо этаётди.

Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган бир қатор қонунчилик ташаббуслари ҳам бугунги давр талабидир. Биз уларни қандай англаймиз, қандай тушунаемиз? Президентимиз томонидан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

Биз буюк марра арафасида турибмиз. Бу йил энг улугъ неъмат — халқимизга эркинлик берган, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги ўз орзу-интилишларимизни мустақил равишда рўёбга чиқаришга имконият очиб берган Истиқлолимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз.

ролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси қонун чиқарувчи ҳокимият олдида баён этилган мазкур ҳужжатнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Демак, Юртбошимиз янги қонунлар қабул қилинаётганда албатта республикамизнинг барча минтақалари манфаати, яъни ҳар бир инсоннинг манфаати инobatга олинишига катта умид боғламоқда.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда вакиллик органларининг роли тобора ошиб бормоқда, юқори идораларнинг маҳаллий тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам фаоллашаётди. Шу мақсадда жойларда ўқув семинарлари, конференциялар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан Тошкент шаҳар

Кенгаши депутатлари учун очик мулоқот тарзида ўтказилган ўқув-семинари депутатларнинг галдаги ҳаракатларини белгилаб берди, деса бўлади. Тадбир дастури кенг қамраб олинганлиги ҳисобга олиб, қуйида иштирокчиларнинг мулоқот давомида фикр-мулоҳазаларини қисқача изоҳлаб беришга ҳаракат қилдик.

Светлана Ортикова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси:

— Амалдаги қақриқ парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолият юритаётганига бир йилдан ошди. Шундай бўлса-да, депутатнинг ён-атрофимизда инсон манфаатига бевосита дахлдор бўлаётган жараёнларга тезкорлик билан муносабат билдириш масаласи долзарбдир.

Энг муҳими, биз ҳар биримиз Президентимизнинг демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ ва раvon тушуниб етишимиз лозим. Чунки, алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Концепциянинг ижроси барчамизнинг эртанги кунимиз, келажакимиз билан боғлиқдир. Бу борада депутат мажбуриятларини унутмаган ҳолда ўз ваколатларини, ўз ҳуқуқларини қанчалик яхши билса, давлатимиз раҳбари илгари сурган гоёларни шунчалик изчил ва тез ҳаётга татбиқ этишга эришилади.

Тошкент — мамлакатимизнинг пойтахти. Бу ерда ҳар бир вазифа талаб икки қарра кучли, депутатларга, сенаторларга ҳам муносабат ўзгача. Бош шахримизнинг салоҳиятини инobatга олган ҳолда, ўқув семинарини мулоқот шаклида уюштиришга ҳаракат қилдик. Кўпгаб депутатлар баҳс-мунозарара фаол қат-

нашди. Дарҳақиқат, тадбир дастури кенг бўлиб, нафақат маҳаллий Кенгаш депутатлари ва Сенат аъзолари вазифалари ҳақида сўз борди. Аҳолининг бандлигини таъминлаш, бошқа ижтимоий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Кун тартибиде давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил учун белгиланган устувор вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзига хос холисона шароитда мулоқот юритилиши натижасида Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепцияни, бошқа дастуруламал ҳужжатларни қандай тушунишлари, жойларда сайловчилар билан қандай мулоқот олиб боришлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлди. Мулоқот давомида маҳаллий ҳокимият органлари, айрим жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этгани, диаграмма, рақамлар шаклидаги кўргазмалар материаллар намойиш қилингани, назаримда, депутатларга ўз билимини бойитишга, шунингдек, балки, ўз ишига ўзгача ёндошишга туртки бўлди.

Бугунги кунда депутатдан ўз фаолиятини янада фаоллаштириш талаб этилмоқда. Уйлайманки, Сенат ва маҳаллий Кенгашлар, айни пайтда Тошкент шаҳар Кенгаши сайё-ҳаракатларининг натижаларини албатта ўз ижобий натижаларини беради.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Депутатлар учун ўқув машғулотлар долзарб деб ҳисоблайман. Мақсад аниқ — яна бир бор мамлакатимиз раҳбари томонидан депутатлар ва сенаторлар олдида қўйилган вазифаларни кўриб чиқишдир. Президентимиз Концепцияда мамлакатни янада демократлаштиришнинг олтинчи асосий йўналишларини белгилар экан, Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида эришилган марраларини ҳам таҳлил этиб ўтдилар. Биз мана шу эришилган натижаларни ва галдаги вазифаларни ўзаро боғлиқлиги ҳолатини яхши тушунишимиз керак. Жойларда сайловчилар билан ўтаётган учрашувлар мана шундай таҳлилий маълумотларга эга бўлишимизни тақозо этмоқда.

Албатта, бу борада битта ҳужжатни яхши билишнинг ўзи kifoya эмас. Депутат 2014 йилгача мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурини ва унинг асосида қабул қилинган иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги тармоқ дастурларини ҳам шарҳлашни билмоғи лозим. Семинарларнинг долзарблиги шундаки, биринчи навбатда, бундай тадбирларга депутатлар тегишли равишда тайёрлар қўлади, иккинчидан — очик мулоқот давомида бир-бирдан тажриба ўрганиб, муаммолардан яхши воқиф бўлиш, шунингдек айрим масалаларга биргаликда жавоб топишга имконият яратилади.

Сенат ва Тошкент шаҳар Кенгашининг биргаликда амалга ошираётган ишлари, айтиб ўтиш керакки, ҳар доим Кенгашнинг ва бевосита депутатларнинг фаоллашувига хизмат қилади. Пойтахт депутатлик корпусининг юқори палата вакиллари билан навбатдаги учрашуви бунга яққол далилдир. Дарҳақиқат, депутатлар очик мулоқотга киришиб, ишлаб чиқариш ва депутатлик фаолиятидаги ютуқлари билан ҳам ўртоқлашишди, аҳоли бандлиги бўйича ишларни янада самарали ташкил этиш, ўқув юртлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан вақтида таъминлаш юзасидан ўринли таклифлар билдиришди. Жамиятимиз ҳаётида кутилаётган ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ҳусусида ҳам аниқ савол-жавоблар бўлиб ўтгани мени қувонтирди.

Давлатимиз раҳбарининг қонун чиқарувчи ҳокимият, маҳаллий Кенгашлар ижроия органлари раҳбарлари олдида қўйётган концептуал вазифалари ҳар биримиздан ўз устимизда доимий ишлашимизни ва янги-янги марраларга эришишда салмоқли хисса қўишимизни лозимлигини талаб этмоқда. Мамлакатим истибқоли учун, менга билдирилган ишонччи оқлаш учун нима қилдим ва нима қилишим керак, деган савол ҳар биримизни доимо ўйлантириб туриши лозим.

Фазлитдин Зияев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари:

— Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ижроия органлари билан аниқ Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлашда, бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиб келади. Ўтган вақт ичида ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, шаҳримиздаги бир қатор йирик корхоналар фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг ҳўжалик субъектларининг бир қатор муаммолари масалалари ижобий ҳал этилишига асос бўлди. Пойтахт ҳокимлиги томонидан ҳафтанинг ҳар жума кунлари туманлар миқёсида тадбиркорлар ва умуман аҳоли учун очик эшик кунлари ўтказиб келинаётганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Шу мақсадда ҳокимликнинг барча тузилмалари вакиллари, шунингдек Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ, бошқа жамоат ташкилотлари таркибиде фаолият юритаётган махсус комиссиялар кўмағида кўплаб масалалар тезкор ҳал этилишига имконият яратилмоқда. Тадбиркорлар билан учрашувлар давомида жойларда бўш майдонлар, корхона ва ташкилотларнинг қўшимча меҳнат ресурслари ҳақида ҳам маълумот тўпланиб, махсус база яратишга эришилди. Эътиборлиси, ҳокимлик ташаббуси билан республика Савдо-саноат палатаси томонидан кўлаб-қувватланди, аниқ пайтда ушбу тузилма томонидан ҳам ҳафтанинг ҳар шанбасида очик эшик кунлари ўтказилмоқда.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш мўҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу йўналишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан жорий йил учун ишлаб чиқилган махсус ҳудудий дастур ҳам тасдиқланди. Бу йили 80,6 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Асосий эътибор касаначиликни, оливалей тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилмоқда. Бу борада бўш иш ўринлари йрмаркалари анча самарали кечмоқда. Бандлик хизматларининг иш берувчилар билан ҳамкорликдаги фаолияти кўплаб масалаларни, шу жумладан коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун қоватланган ўринлар яратиш бўйича масалаларни манзилли ҳал этишга асос бўлмоқда. Шу ўринда ҳар бир туман миқёсида коллеж ўқувчилари амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлашиши бўйича ишлаб чиқариш негизини шакллантиришга масъул бўлган ишчи гуруҳлари фаолият бошлаганини айтиб ўтиш жоиздир. Туман ҳокимлари, бир қатор тузилмалар раҳбарлари бевосита ўқув юртида бўлиб, ўқув-ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганмоқда ва муаммолари билан ҳам танишмоқда. Бу ишларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам жалб этилган эътиборлидир.

Муқаррам Азимова, 29-Кичик сойлос округидан депутат, «Файз» холдинг компанияси бошқаруви раиси:

— Жамият ва давлатни демократлаштириш бир кунлик жараён эмас, албатта. Бугун биз маълумий бошқарув услубларидан демократик тамойилларга ўтилаётган жараёнлар ҳақида узок суҳбат қилишимиз мумкин.

Давлатимиз стратегиясини яхши билган ва англаган ҳолда, биз, депутатлар, бизнес тузилмалар раҳбарлари, зиммамизга оқлатилаётган вазифаларни бажариш тактикасини аниқлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўтган қаҳриқлардаги депутатлик фаолиятим давомида ҳам бандлик масаласи қонун чиқарувчи орган даражасида қўрилганини билмайман. Ҳақиқатан ҳам, корхоналарнинг коллежлар билан ўзаро ҳаракатда бўлиши лозимлиги долзарб масаладир. Сайланган округим бўйича барча ўрта махсус ўқув юртларини тўлиқ ўрганиб чиқдик ва қанча ўқувчи таҳсил олиб, қанчаси битириш арасида эканлиги аниқлик киритиб олдик. Ўрганиш давомида бевосита коллежларда ҳам ислоҳот жараёнлари кетаётганини кузатишга муваффақ бўлдик. Таҳсилларга асосланиб, айтиш жоизки, барча тармоқларда модернизация жараёнлари давом этмоқда, бироқ малакали кадрларни тайёрлашдек мўҳим масалага шу кунгача ўткинчи жараёнга қарагандак муносабатда бўлдик. Ҳолбуки, муассас, мебель sanoatida малакали кадрлар масаласида муаммолар мавжуддир.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари коллежларнинг ўқув дастурларига мутаносиб эмас. Амалиёт вақти-вақти билан, йилида бир ёки икки мартаба ўтказилади. Яна бир масала. Ўқувчиларнинг тайёрларлик даражаси, агарда юқори технология корхоналар салоҳиятига таққослайдиган бўлса, замон талабига жавоб берадими. Шунинг учун ҳам битирувчи сўнгги русумдаги техника билан жиҳозланган ишлаб чиқариш жараёнига киришишга тайёр эмас, демакки, унинг ишга жойлашишида табиий муаммолар юзага келади.

Албатта, бу борада ҳар бир бўғиндаги раҳбар зиммасига катта масъулият юклатилган. Бугунги кунда қабул қилинаётган устувор вазифалар, давлат дастурлари доирасида биз ўз фаолиятимиз бўйича, депутатлик ишимизга ҳам мос равишда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқамиз. Аммо шуну ҳам эслатиб ўтмоқчиманки, бозор иқтисодиё-

ти шароитида биз ҳаммамиз ўқувчимиз. Агарда, дейлик, ҳаттоки учта олий маълумотинг бўлса ҳам, ўз устинда ишлашинг, давр билан ҳадамма-қадам бўлиб, замонавий шароитларга мослашишга мажбурсан. Шунинг учун ҳар қандай машғулотлар фойдалидир ва уларни доимо тизимли асосда ўтказиб бориш лозим.

Баъзида у ёки бу жараёнда тўхталишлар, тўсиқлар нима учун бўлади, деган савол берилади. Жавобим қуйидагича: ҳар бир инсон авваламбор ўз виждонини олдида жавобгарлиқни ҳис қилиши керак. Бизга ишонч билдирилган экан, уни албатта оқлашимиз даркор.

Тўрабек Назаров, 22-Чуқурсой сайлов округидан депутат, «Тошкентмебель» МЧЖ директори:

— Мураккаб даврда, бутун дунёни молиявий-иқтисодий инқироз ўзига доғдирган бир пайтда давлатимиз раҳбарининг иқтисодийнинг реал секторини кўлаб-қувватлаш бўйича қабул қилган фармони тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг, шунингдек аҳолининг ишончли ҳимосини таъминлашда мўҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу борада аниқса, бандлик масаласини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган чора-тадбирларнинг изчил татбиқ этилиши экспорт қилувчи корхоналар, саноат маҳмуалари, кичик бизнес субъектларини инқирознинг оғир талафотларидан ҳалос этишга имкон берди. Жойларда касаначилик ҳаракати жонланди. Жумладан, мен фаолият юритаётган кичик бир ишлаб чиқариш корхонасида ўтган йилда ўн та қўшимча иш ўринлари яратилган бўлса, шундан тўрттаси уй шароитида ишлашга мўлжалланган.

Солиқ сибёсатини тақомиллаштириш жараёни ҳам изчил даврда этмоқда. Бу йили ягона солиқ миқдори олти фоизгача туширилди, бу эса иқтисод қилинган маблағларни фаолиятини яна ривожлантиришга имконият очиб беради.

Лекин ҳўжалик субъектлари билан учрашувлар давомида шундай масалалар ҳам кўтарилдики, уларни бир ўзимиз ҳал этишга оҳимиз. Масалан, банк кредитлари бўйича ставкалар 26 фоизгача ўсган. Дарвоқе, ушбу масала Тошкент шаҳар Кенгашининг охириги сессиясида ҳам кўтарилди. Ишлаб чиқарувчи ва савдо фаолияти билан шуғулланувчиларга хом ашёни импорт қилишда боғжона тўловлари ҳам бир хил бўлиб қолмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, айрим қонунларни бугунги замон талабига мувофиқлаштириш борасида жойлардаги ҳақиқий ҳолатни чуқур ўрганиш, бевосита тадбиркорлик субъектларини мулоқотга жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Садриддин Туробжонов, 49-Жарариқ сайлов округидан депутат, Тошкент кимё-технология институти ректори:

— Мулоқот давомида биз билган-билмаган кўплаб қизиқарли масалалар кўтарилди. Бу тадбирини мен кўнгилни бўшатиш мулоқоти деб атаган бўлар эдим. Ҳақиқатан ҳам, кўпчилигимизда кўнгилни гаш қилиб турувчи масалалар бор.

Хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни таъминлашга оид фикрим билан ўртоқлашмоқчиман. Янги иш ўринлари яратилмоқда деймиз, лекин уларнинг мўқимлиги ўрганилганми? Шайхонтохур туманида ўндан зиёд умумий овқатлаш шохобчалари мониторинг ўтказди. Аниқландики, бу ерда оздан зиёд йиғит-қизлар ишлади. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам таом тайёрлаш технологияси йўналишида олий ўқув юрти ёки коллежи битирганлиги ҳақида дипломга эга эмас, ҳаттоки тиббий кўриқдан ўтмаган. Бундан ташқари, улар ижтимоий ҳимояга ҳам эга эмас, уларга меҳнат дафтарчалари ҳам юритилмаган. Демак, солиқ тўловларида қонунбузилишлар мавжуд. Бу фарзандларимизнинг эртанги кунни ҳақида ким ўйлайди?

Масалан, солиқни сақлаш тизимида эса дипломи бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш тақиқланган. Ҳаттоки дохиноҳда ҳам ўрта тоифали фармацевт ишлаши мумкин. Нима учун бундай талабларни умумий овқатлаш тизими, яъни инсон саломатлиги билан боғлиқ соҳа ходимлари олдида қўйиш керак эмас? Ўрганилган ошхона раҳбарларига ишчиларини таом тайёрлаш хавфсизлиги бўйича ўқув курсларини ўташини тақлиф этганимизда, улар қизиқиш ҳам билдиришмади.

Айни пайтда бу борада туман ҳокимлиги тегишли тавсиялар киритди. Мамлакатимиз раҳбари ҳукуматнинг йил якунларига бағишланган мажлисида доимий иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида уруғ бериб, айнан ҳокимият вакиллари тегишли тавсиялар бердилар. Агарда биз бу борада савй-ҳаракатларимизни бирлаштирсак, муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топиши, шубҳасиз. Шунда хусусий хизмат кўрсатиш соҳасидан ҳам коллежларга малакали кадрлар бўйича мурожаатлар кўпаяр эди. Таҳлилларга назар ташлаб, шуну ҳам айтиш керакки, сервис соҳасида мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътиборни кучайтириш лозим.

Рустам Қосимов, 51-Ҳибобтепа сайлов округидан депутат, «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош директори:

— Шу ўринда яна бир масалага уруғ бериш жоиз. Баъзи яқка тартибдаги тадбиркорлар бугунги кунда ўз

ниши, нафақага эга бўлиши ҳусусида тўлиқ мўтта эга эмаслиги маълум бўлмоқда. Демак, ушбу ўлада ҳам тушунтириш ишларини кучайтириш керак.

Дилшод Шоумаров, 3-Бешқайрағоч сайлругидан депутат, «Димак-металл-сервис» МЧЖ-чиқарувчи раиси:

— Ўтган йилда Учтепа туманида савдо-санодудини яратишга муваффақ бўлдик. Бунинг натижасида 20 та иш ўринлари яратилди. 900 квадрат метр майдонга газ-малар мажмуаси барпо этилди. Жорий йилда заилан ишлаётган «Равшан-сервис» МЧЖ ҳудудидан тасартилган беш гектар майдонда хорижий инвестиция жалб этган ҳолда қўшимча яна 500 та иш ўрни яратиш жалбланган. Шу мақсадда хозирда хитойлик шеримизи билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу ердимий фаолият юритувчи мини-технологиялар кўргазмашкил этилади.

Албатта, биринчи галда ёш мутахассисларни ётиб, уларни тадбиркорлик кўникмаларига ўргатишга, нарлар ташкил этиб, маҳорат мактабларини ўтказишга лаштирилган. Бу борада касб-хунар коллежларда тегишли тузилмалардан таклифлар кўтиб қолам.

Баҳодир Мамадиев, Фўқаролик жамияти раини институти Тошкент шаҳар минтақавий ротахалилий маркази раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари томонидан тақлиф эти Концепцияда ўзини ўзи бошқариш органларига оидчиликни тақомиллаштириш зарурати ҳам эътибартилган.

Айни пайтда Қонунчилик палатасида махсус ёртлар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг таркибиститутимиз вакиллари ҳам киритилган. Маҳаллий Кенгаши депутатлари ўз партия гуруҳлари орқали парладиги фракцияларига амалдаги қонунчиликка ўзгаришни киритиш бўйича таклифларини бериши мумкин.

Мулоқот чоғида депутатлардан ўзини ўзи бериш органларига қўйилаётган сайловлардаги иштирок оид кўп саволлар тушди. Эслатиб ўтиш жоизки, Олиқлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори эълон қилдан сўнг барча туманлар кесимида махсус комиссияшакил этилади. Мазкур комиссиялар таркибига маҳалла депутатлари ҳам киритилиши мумкин. Демек, депутатларимизда ушбу мўҳим ижтимоий-сиёсий жар ҳам ўз фаолигини намойён этиш имконияти очилади.

Бахтиёр Исманов, «Маҳалла» жамғармаси сент шаҳар бўлими раиси в.б.:

— Йил сайин кадриятимиз бўл маҳаллага эътибор кучайиб бормоқдагунки кунда маҳалла оқсоқоли обрў-эъли, ташкилотчилик қобилиятига эга бў ло-зим. Шу билан бирга тадбиркорлик-маларини орттирган, яхши ҳуқуқ: ва иқтисодчи бўлиши зарурлигини вақ ўзи тақозо этмоқда. Афсуски, ушбу меърага жавоб берадиган фўқаролар йиғи раислари хозирда камчиликини ташкиди.

Бўлажак сайловларга ҳар бир илла бўйича камида бештадан номзоднаш тақлиф этилмоқда. Шундай экан, тарларимизга маҳалла фўқаролар йари раислигига муносиб кишиларни шда яқиндан ёрдам беришларини сўрламан.

Акмал Ақромов, Ўзбекистон иубликаси Олий Мажлиси Сенати аси, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерншкент» газеталари бош муҳаррир:

— Мамлакатимиз Президенти ж: ва давлатни демократик ривожлантиринг узок мuddатли Концепцияларида одиримиз ўзгариб, уларнинг онгу тафаккурсалиб бораётгани барча муваффақри-мизнинг асоси бўлиб хизмат қилаёни, янги марраларни забт этишда олдира-катлантирувчи куч эканлигини ҳамид-лаб ўтдилар.

Бугун биз ҳаммамиз ён-атрофимизлаётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлиси билан яшамоқдамиз. Бироқ ҳаёт бийда тўхтаб қолмайди. Глобал ахборот жараёни бизида фаол бўлишга, ўлчам беҳисоб ахборот оқимидиёмонни ажрата билишга ундамоқда. Бу борада Кшмиз жамият ривожининг янги босқичида журналрга катта ўрин бериб, оммавий ахборот воситаларимларнинг атрофда бўлаётган воқеаларга, ижобий шларга муносабатини эркин ифода этадиган минба-лантириш лозимлигига алоҳида уруғ бердилар.

Биргина Матбуот ва ахборот агентлигининг ёнт шаҳар бошқармаси орқали айни кунгача 88 та зий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса, шундансн нодавлат нашрлари ҳисобланади. Республика бўйбў кўрсаткич 53 фоизни ташкил этади. Бу жуда каттан-тирувчи кучдир ва унинг самарадорлиги оид бодан бутун жамиятимизни манфаатдордир.

Шундай бўлсада, электрон ва босма матбуот ия-тида юзага келаётган айрим масалалар бевоситада-вий ахборот воситалари тўғрисидаги, «Ахборот эи-ги принциплари ва қаролатлари тўғрисида»ги қа қонунларга ўзгариштирил киритиш зарурлигиниэо этмоқда.

Ҳафтада беш марта чоп этиладиган «Тошкент ии» ва «Вечерний Ташкент» газеталари пойтахт ҳаётини-тишда ўз устуворликларига эга. Газета саҳифаларвал-лат, тадбиркорлик ва жамоат тузилмалари фаолиятинг бир неча доимий рўқналар мавжуд. Тошкент шаҳн-гаши билан ҳамкорликда «Депутат: бурч ва маст» мавзусида бир саҳифали тўплам жорий этилди. Мий Кенгаш депутатлари, пойтахтимиздан сайланган Кил-лик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг ишларини кенг ёритиб бориш мақсадида 233-29а-қамли доимий мулоқот телефони ҳам ташкил этил «Тошкент» телерадиоканалининг маҳаллий ҳоқ-лар тузилмалари раҳбарлари билан ўрнатилган тўн-тўри мулоқот давралари ҳам эътиборга лойиқ ай кўрсатув ва аширттиришлар аҳоли ва маҳаллий ҳят ўртасида ўзига хос жонли алоқа кўприги вазифаси-га моқда, дейиш мумкин.

Ҳамкорлик кирраларини янада жонлантиришди-кент шаҳар Кенгашига оммавий ахборот воситалишу-лан ўзаро ҳаракатдаги фаолиятини кенгайтиришу мақсадида махсус медиа-дастур ишлаб чиқишни ф этмоқчимиз. Бунинг амалдаги ифодаси, албатта, ят-чиликнинг нафақат парламент палаталари, балки ил-лий Кенгашлар фаолиятдан ҳам кенгрок воқиф би-га хизмат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларин ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари учун е-ренциялар, брифинглар, давра суҳбатлари тизима-вишда ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.



Музафар Абдуллаев, 43-Хайробод сайловугидан депутат, «Навбахор» МЧЖ бош директори:

— Мулоқот давомида олдимизга қўйилган вазифи бажаришда таъсирчанликка эришиш учун оммавийо-рот воситалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиг-гани айтилди.

Мен провизорлик соҳасида тадбиркорлик билу-гулланман. Муаммолар йўқ эмас. Уларни ечимига, қачонки ҳар томон вакиллари бирдек қонунга рио-са, топиш мумкин. Бу ҳақда телевидение, бошқа оий ахборот воситалари орқали очик мулоқотга чиқиш-ёрмиз.

Тахририят шу хотимада нуқта қўяр экан, газетю-дан кўтарилган маъзулар бўйича мулоқотни давом-иришга ишонч билдириб қолади. Фирк-мулоқазн-гизни 233-29-55 телефони орқали йўллашингиз м. Иълмира ЗАЙНУТДИ

Депутат: бурч ва масъулият ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



Абдугани ҚОСИМОВ, 26-Беруний сайлов округидан депутат, «Эътиқод» ХК директори:

— Менинг олдимда ечимини топмаган ҳали кўп масалалар бор, шунинг учун ўз ишимдан қониқмаган, дея олмайман. Депутат сифатида сўронома жўнатишга ҳақлимиз. Бироқ айрим пайтларда жавоблар расмий тусга эга. Баъзида ҳаттоки сайловчилар олдида ўзимизни ноқулай сезамиз.

Жумладан, уй-жойни яхшилашга мўҳтож бўлган фўқарога ёрдам кўрсатиш бўйича сўров қилинган эди. Албатта, ижроия органига мурожаат қилиш олдидадан вазият ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Аммо жавобда бу масалага оидчилик киритилмади...

Мирҳаёт ҲАКИМОВ, 9-Салор сайлов округидан депутат, «Ўзқабель» АЖ бошқаруви раиси:

— Ишлаб чиқариш фаолиятимизда бизда ҳам муаммолар етарли. Лекин олдинда интилишга ҳаракат қилганми. Кейинги тўрт йил ичида қўшма корхонамизда мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Ўтган йилда иккита корхона фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 150 га яқин қўшимча иш ўринлари очилган эришилди. Асосан ёшларни тақлиф этдик. Шу мақсадларда инвесторимиз томонидан 7 миллиард доллардан зиёд маблағ жалб этилди. Ҳокимият ҳам кўп масалаларга кўмак бермоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мен сайланган округ қамровидаги маҳалла ва таълим муассасалари оҳтиёжига 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бироқ сайловчиларимизнинг ҳали кўплаб масалалари ечимини топгани йўқ, хусусан, фўқаролик судига мурожаатлари бўйича ёрдам беришда оҳимиз. Маълум бўлишича, аниқса уй-жой масаласи бўйича фўқаролар уч-тўрт йил давомида судга қат-найдми. Бу борада депутатнинг қандай ҳуқуқлари бор? Судьялар мени эшитишни ҳам истамайдми...

Хайрулла МўМИНОВ, 24-Мирза-Ғолиб сайлов округидан депутат, «Чигатой-Оқтепа» маҳалла фўқаролар йиғини раиси:

— Кейинги пайтда бизнинг бозориде ҳамширлик мутахассислигига талаб камайиб бориши ҳусусида кўп фикрлар билдирилмоқда. Ушбу масаланинг мўҳим бир томонига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда пойтахтимизда қанча-қанча хусусий клиникалар бўлса, ҳар бирига кичик мутахассислар зарур. Агарда бундай иш берувчи субъектлар томонидан, айтилай-лик, битта-иккитадан мутахассис ишга қабул қилинса, умуман олганда 4-5 мингга яқин ёшларни доимий иш билан таъминлашга эришилган бўлар эди. Аммо битирувчиларда малака тоифаси бўлмагани боис уларни ишга қабул қилишга рўхсат йўқ экан. Бундай талаблар бўлаётган бўлса, нима учун мутахассислик қаторида тиббиёт коллежи битирувчиларига тоифа бериш мумкин эмас?

Муқаддас Раҳматуллаева, 47-Ғулобод сайлов округидан депутат, 44-оилавий поликлиника бош шифокори:

— Ўтган йилда бизнинг поликлиника жамоасига тиббиёт коллежи битирувчиларидан бирор-бир тоифа талаб этилмаган ҳолда 11 нафари қабул қилинди. Иш берувчи коллеж ёки олий ўқув юрти битирган ёш мутахассисдан тоифаси йўқлигига эътироз билдиришга ҳақли эмас. Ҳамширалар ҳам, шифокорлар ҳам беш йил меҳнат стажига эга бўлгандан кейин шаҳодатдан ўтказилди, сўнг уларга дастлабки малака тоифалари белгиланди. Бундай қоида-андозалар давлат тасарруфидаги ва хусусий тиббиёт муассасалари учун бирдек тааллуқли. Агарда жойларда қайд этилган муаммолар юзага келаётган бўлса, демак, ҳусу-сий тиббиёт амалиёти тизимида тегишли тушунтириш ишларини кучайтиришимиз лозим.


фаолиятини қўшимча иш қучини жалб этган ҳолда, яъни иш ҳақи учун ҳисоб-китобни нақд пулда амалга ошириб, лекин солиқ ва бошқа идораларга ҳужжатларни расмий-лаштирмасдан юритмоқда. Назаримизда, агарда тадбир-кор одамларни ёллаш орқали турғун шохобчада савдо ёки бошқа хизмат билан (хўнарман) ва оливалей бизнес вакиллари бундан мустанон) шуғулланса, уни ягона солиқ тўловига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, шунда аниқ иш ўринлари ҳам яратиларди.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятида ёшлар кенг ишга жалб қилинади. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялар университети талабалари ўқишдан бўш пай-тида шартнома асосида ишга жойлаштирилган. Бошида мутахассислиги бўйича қабул қилинмаса-да, лекин ҳар бири ҳўжат билан ишлашни ўзлаштириш имкониятига эга. Келажақда бу албатта асосқатди.

Эркин Тошев, 33-Тараққийёт сайлов округидан депутат, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар кенгаши раиси:

— Дарҳақиқат, қўшимча иш ўринларини яратиш бора-сида бугун имкониятлар кенг. Таҳлилларга қараганда, бир-гина Тошкент шаҳрининг ўзида 40 та йирик корхона бан-кротлик ҳолатида. Уларни соғломлаштириш борасида чо-ралар қўлланилмоқда, бу эса жуда бўлмаганда мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш демакдир. Амалиёт шуну кўрсатадики, бугунги кунда 1994 йилда қабул қилинган ва 2003 йилда янгитдан тахир этилган «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга ўзгариштирил тақозо этилаётди. Айни пайтда тегишли комиссия томонидан Монопо

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Мамлакатимизда бугунги кунда юз-дан ортиқ давлатларнинг маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Айниқса Ҳиндистон элчионасининг сайёҳаракатлари ва маданият марказининг Ўзбекистон билан ҳамкорликда олиб бораётган маданият, маърифат, санъат, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги фаолияти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг мустақамлашида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кувонарли томони шундаки, шоҳ ва шоир бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг бобурийлар салтанатига айнан Ҳиндистон заминидан асос солган. Ушбу давлатнинг тарихи, маданий ҳаёти ва тараққиётида ўчмас из қолдирган. Бу ҳақда Ҳиндистон маданият маркази директори вазифининг бажараётган Жано Муридхон Бабу шундай дейди:

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатларини гўзал анъаналаримиздаги, миллий тушунчаларимиздаги яқинлик, хурмат, абадий ришталар ўзаро боғлаб туради. Ўзбек халқи ҳинд мамлакатини тили, маданияти, урф-одатларини қанчалар эъзозласа, ҳиндлар ҳам Ўзбекистоннинг миллий анъаналарини эҳтиром билан қадрлайди. Икки давлатнинг дўстона муносабатларида ҳамжиҳатлик, ҳамдўстлик алоқалари мустақам ривожланган. Биз халқининг бирча қадриятларини, расм-русумларини, бир-бирига ўхшамайдиган мафтункор байрамларини хурмат қиламиз. Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқининг яратувчанлигидан, муҳтарам Президентининг она юртини юксак меҳр-муҳаббат билан қадр-лашдан далолатдир. Яна шунини алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг орияти ва ғурури, баъзи бир миллий анъаналари жуда яқин ва ўхшаш. Куй-қушиқлардаги гўзал тароналар ҳам юракка бирдай ҳамоҳанг. Истардики, келажакда ҳам мамлакатларимиз орасидаги ўзаро дўстлик янада ривожланиб, камол топиб, тараққий этаверсин. Юртининг осмонидан ҳамisha муваффоқ бўлишга умидимиз.

Биз ва жаҳон

Дўстлик Ришталари

нурлар жилваланиб, тинчлик куйлари янграб турсин. Ҳиндистон ва Ўзбекистон дўстлиги замирида яратилаётган ишлар эзгуликка хизмат қилсин, яхшиликка чорласин. Шунингдек, газетангиз билан ҳам доимий равишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб боришни жуда ҳам истаймиз...

Дарҳақиқат, Истиклолнинг эпкин шомли юртимизнинг дунё миқёсидаги нуфузини янада ошириб, барча чет мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаб боришида муҳим босқич бўлди.

1994 йилда пойтахтимизда Ҳинд маданият маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. 2005 йилда эса марказга Лал Баходур Шастри номи берилди. Маданият марказида хоҳловчилар учун ҳинд тили бепул ўргатилади. Шунингдек, соғлиқни муҳофазалаш йўлида жаноб Самекша Жи раҳбарлигидаги тўғарақда каттак ҳинд миллий рақслари ва йога машқлари усуллари барча ёшдаги кишиларга ўргатилади.

Таба мусика асбобини чалишни истовчилар эса марказда кўпчиликни ташкил этади. 7000 мингга яқин китоби бор кутубхонада ҳинд тилини ўрганувчилар ўзларига керакли адабиётлардан унумли фойдаланиш имконига эгадирлар.

Ўтган йили Ҳинд маданият маркази грантини ютиб олган ўн саккиз нафар ёшлар Ҳиндистонга бир йиллик ўқишга юборилдилар. Ҳар йили Лал Баходур Шастрининг ўғли Анур Шастри Ўзбекистонга ташриф буюриб, шаҳримиздаги маданий тадбирларда иштирок этади, Ҳиндистон диёрида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни бор эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Яқинда тахририятимизга Лал Баходур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказининг ходимлари ташриф буюриб, ҳар иккала мамлакат ўртасида тобора ривожланиб бораётган дўстлик ришталари, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда газетамиз саҳифаларида марказ фаолияти ва унинг самарали натижалари ҳақида маълумотлар бериб боришимизни илтимос қилишди. Шунга биноан мақоламизда марказ олиб бораётган ишларни баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилдик.

турли адабиётларни нашр қилиш бора-сида Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг профессор ўқитувчилари О. Шаматов, А. Иброҳимов, У. Муҳибова, Б. Раҳматовларнинг илмий излашлари, ҳинд тилидаги чиқараётган ўқув қўлланмалари муҳим омил бўлмоқда.

Ҳа, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий тарихи, урф-одатлари, ўзига хос бўлган қадриятлар жамламаси мавжуд. Ҳар бир миллат ва халқ тилига, динига, русумларига эҳтиром билан қараш онгимизга сингиб бормоқда. Хур диёримизнинг мусаффо осмонидан тинчлик қабу-тарлари учиб юрар, халқимизнинг самимий юракларига Ватанга муҳаббат туйғуси ўқиб турар экан, ҳамдўстлик, ҳамкорлик доимий ширимизга айланиб бораверади. Зеро, муқаддас заминимизда, овоз ва обод ўлкамизда барча халқларнинг ва миллатларнинг қадриятлари қадрланаверади. Буюк мамлакатимиз ардоғида яхшиликлар ҳамisha ардоқланади, эзгу ниятлар эса янада кенг қулоқ ёяди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Хатжилдларни қайчиларганда

Янги Рукн Очсангиз...

Хурматли тахрият ходимлари, сизлардан илтимос, агар жоиз бўлса газетангиз саҳифаларида ёшларимиз учун «Касб танлашни биласизми?» мавзусидаги руқн очсангизлар. Ойда бир марта бўлса ҳам касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни битираётган ёшларга мутахассислар ёрдамида тавсиялар бериб борсангизлар.

Зеро, ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, билмаганини ўргатиш, уларни тўғри йўлга солиш ва соҳага

қизиқтириш биз катталарнинг вази-фамиз ва бурчимиз. Менинг ўзим техника йўналишида ўқиб, бугунги кунда ўз соҳамнинг ёш мутахассиси сифатида фаолият юритмоқдаман. Аммо ижода бўлган қизиқимиз боис «Тошкент оқшоми» газетасида илк мақола ва хабарларим чиққан ва бу газета мен учун қадрли. Умид қиламанки, юқоридаги фикрларимга ҳам бефарқ бўлмайсизлар ва келгусида газетанда янги руқни очасизлар.

Элдорбек АКРОМОВ

БОРЛИФИМСАН — БОЛАЛИК

Шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларида доимий равишда турли тадбирлар, учрашувлар ва тантаналар ўтказиб туриш бу ерда тарбияланаётган болаларга ҳаётга янада мазмун ва мароқ бағишлайди. Бунинг учун алоҳида байрамларни кутиб туриш шартмас, асосийси, болаларнинг ҳар бир кунини мароқли ва эсда қоларли тарзда ўтса бас. Гулдай нозик, беғубор

кўнгилларга шодлик ула-шишинг аслида ўзи бир қувонч. Болалик энг гўзал палла. Унинг ҳар бир лаҳза-си қувноқ ва унутилмас дақиқаларга бой бўлмоғи лозим. Меҳрибонлик уй-ида тарбияланаётган жажжи болаларнинг кўнгилларини кўтариш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш энг савоб амаллардандир. Истар-дики, ҳар бир Меҳрибон-

лик уйида хурсандчилик ва шодиеналарга бой сценарийлар асосида тузилган тадбирлар кўп ўтказилса. Айниқса, мусика мактаблари, академик лицейлар жамоалари ўзларининг концерт дастурлари, саҳна кўриниш-лари билан тез-тез қувноқ кечалар уюштириб турсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Акобир НОСИРХЎЖАЕВ

Миннатдорлик

ШИРИН СЎЗ ҲАМ БИР НАЖОТ

Ширин сўз, мулоим табассум, кўзлардаги меҳр доимо инсонларга куч ва рағбат бағишлайди. Аслида беморга дори-дармонлардан кўра ҳам ширин сўз ва меҳрибонлик жуда асқотади. Негаки, киши бетоб бўлса меҳрга муҳтождай севди ўзини. Айни дамда кўрсатилган беминнат ёрдам, ўз вақтидаги аниқ ташхис ва шифокорнинг ширин сўзи қалбларга малҳам бўлади.

Инсон кексайгани сари дардга тез чалинаркан. Кейинги йилларда кўп бетоб бўлдим. Аммо энг ёмони қариганда бирон жойингни синдириб олиш экан. Қўлим синиб 7-шифонхонага тушдим.

Оғриқ жонимдан ўтиб борарди. Бу ерда тажрибали шифокорлар ва ҳамширалар менга ёрдам бериб, жароҳатимнинг тез тuzалишига ҳаракат қилдилар. Айниқса, тажрибали шифокор Шерали Элмуродов, Сергей Юсуповларнинг касб маҳоратларидан ҳам кўра кўнглимни кўтариши, меҳрли сўзлари ва меҳрибончиликлари дилимга мадор бўлди. Гўё улар мени ширин сўз билан даволагандек. Аслида инсон кексайгани сари ширин сўзга ташна бўлиб бораверар экан. Бу иккала шифокордан жуда миннатдорман. Газетангиз орқали уларга барча беморлар номидан раҳмат айтимоқчиман. Касбига садоқат билан ёндашиб, беморларга ширин сўзи билан дармон бўлаётган шифокорларга эл раҳмати ёғилаверсин.

Инна КОГАН, меҳнат фахрийси, Юнусобод тумани

Ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлмиш турфа хил гўзалликлар инсонларни ҳамisha илҳомлантириб, уларга завқ-шавқ улашиб, энг соф туйғуларга ошно этади. Умр йўллари давомида учрайдиган ҳар қандай гўзал тимсоллар, ўхшатишлар, сиймолар ва сийратлар негизда яшашга муҳаббат, муродли кунларга умид, ўзимизга бўлган ишонч, келажакдаги ёрқин умидлар ранги жилоланади.

Газетхон таклиф қилади ШАХМАТ ЭТЮДИ — ГЎЗАЛЛИК ИФОДАСИ

Мен ушбу гўзалликлар ичида шахмат ўйинининг ажиб бир жозибали, сирли гўзал юришларини газета саҳифаларида этюд ҳолида берилишини истардим. Бинобарин, спортнинг барча турларидаги янгиликлар, ютуқлар, режалар ва ҳаттоки мағлубиятлар ҳам кундалик нашрларда доимий тарзда ёритиб борилади. Аммо шахмат ва унинг жозибали юришлари ҳақидаги маълумотлар жуда кам берилади. Лекин айнан шахмат ўйини инсон онги ва руҳия-тининг теранлашуви ва зукколи-гига жуда катта фойда келтиради-ган, шууримизни равшанлаштирадиган спорт тури ҳисобланади.

Айниқса, бу ўйинда шундай гўзал юришлар бўладики, уни таърифлаш жуда қийин. Бироқ ушбу жозибали жараёни айнан этюд лавҳалари ҳолида мухлислар эътиборига ҳаво-ла этиш мумкин. Кечка бир мухлис сифатида ўзимнинг шахсий фикримни билдирар эканман, газетангизга бўлган юксак эҳтиромимни ҳам айтиб ўтмоқчи-ман. Чунки неча йиллардан буён «Тошкент оқшоми» газетасини қанда қил-май кузатиб, ўқиб бораман. Унда ёритилаётган тезкор хабарлар, янгиликлар, донолар битиги, дил очар дам олиш саҳифалари менга жуда ёқарди.

Шунга қўшимча сифатида шахмат этюдлари тасвирланган лавҳа-ларнинг ҳам гоҳида бериб борарсиз-лар деган умиддаман. Балки фик-рим баъзиларга эриш туюлар, ле-кин шахмат ўйинига барча ихлос қилади ва қизиқади. Ундаги жўшқин, жозибали ва гўзал юриш-лар тасвири ҳеч кимни бефарқ қол-дирмайди ва шахматнинг инсон та-факкури учун қанчалик фойдалик эканлиги янада амин бўлиб бо-раверамиз.

Хурмат билан Маманазар СИДИКОВ, Миробод тумани, «Янги замон» маҳалласи

Зумрад кишининг охириг ойи ҳам улугвор қадамлари билан кўркам баҳорни қаршилашга тайёргарлик кўрмоқда. Мусаффо осмонимизда чарақлаган қуёш замин узра мунаввар нурларини сочар экан, инсонлар кўнглига ажиб бир туйғуларни бахшида этаётгандай. Азизлар, шундай сокин, сервиқор кунларда қалбингиздан ўтаётган ўй-хаёлларингизни, орзу-умидларингизни, таклифларингизни биз билан ўртоқлашсангиз дилингиз янада чарогон бўлади. Миннатдорлик билдирилган мактубларингизни, қалбингизни ўртаётган муносабатларингизни ўз эгаларига етказишда нафимиз тегаётганидан хурсандимиз. Бизга хат ёзинг ёки кўнгириқ қилинг. «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти сизларнинг доимий ишончли дўстингиз ва ҳамкорингиздир.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: 233-29-55

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг дунёнинг санвати юксак тараққий этган мамлакатларидан бири бўлган Японияга амалга оширган расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга, — деди Бельгиянинг «ROC VZW» компанияси директори М.Богарт. — Бу Ўзбекистоннинг халқро муносабатларининг барча субъектлари билан тенг ҳўқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш бўйича олиб бораётган ташқи сийбатида далолатдир.

Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифи доира-сида имзоланган бир қатор ҳўжатлар ҳам эътиборга мо-лик. Менинг билишимча, ушбу икки давлатни бугунги кун-да асраб-авайлаган ҳолда ривожланаётган, илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган алоқалар боғлаб туради. Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги самимий ва ўзаро ишонч асосига қурилган дўстона алоқалар икки томонлама муно-сабатларнинг асосини ташкил этади» — деди у.

Ташриф асосида, Украина Миллий фанлар акаде-мияси сийбый таҳлил ва халқро тадқиқотлар инсти-туту директори Сергей Толстов. «Ўзбекистон билан Япо-ния халқро аҳамиятга молик қатор долзарб масалаларга ўхшаш ва яқин қарашларга эга эканлигини қайд этди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг Японияга БМТ Хавфсиз-лик кенгашига доимий аъзо мақомини беришга доир та-шаббусини ҳамда Президент Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратишга доир ташаб-бусининг Япония томонидан қўллаб-қувватлашини таъ-кидлаш ўрнили» дея ўз фикрини алоҳида билдирди.

Сийбатуно томонлар ўртасида ўзаро ишончни мус-тақамлашга кўмаклашувчи бир қатор омилларни санаб ўтди. Яъни савдо-сотик, сармоялар, терроризм ва гиёҳ-ванд моддаларнинг тарқалишига қарши кураш, атраф-му-ҳит муҳофазаси каби қўллаб соҳалардаги муваффақиятли ҳамкорлик шулар жумласидандир.

У 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмитала-ри, 2004 йилда тузилган «Марказий Осиё ва Япония» кўп томонлама мулоқоти каби ҳамкорликнинг турли формат-ларида иккала давлатнинг иштирокига алоҳида ургу бер-ди.

С.Толстов Ўзбекистон компанияларининг «Мицуи», «Ми-цубиси», «Иточу», «Марубени» ва бошқа қўллаб йирик кор-порациялар билан фаол ҳамкорлиги натижасида мамла-катда бир қатор йирик инфратузилмавий лойиҳалар амал-га оширилаётганига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифини хулосалаган ҳолда, украинлик тадқи-қотчи олий даражада ўтказилган учрашувлар томонлар ўрта-сидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик юқори даражада экани-ни яна бир бор намоийш этганини таъкидлади. С.Толстовнинг айтишича, ташриф кун тартибининг тигиз-лиги, шунингдек, томонларнинг сийбый мулоқот, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожланти-риш ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорлиқни чуқурлашти-ришдан ўзаро манфаатдор эканлиги шундан далолатдир.

Япония Жамғармаси тадқиқотчиси, Покистон—Япо-ния муносабатлари бўйича эксперт, доктор Аҳмад Рашид Малиқнинг «Ўзбекистон ва Япония муносабатла-рининг ривожланиши» сарлавхали мақоласида билдирган фикрига кўра, Япониянинг Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалари муайян стратегик мақсадларга қаратилган бўлиб, бой табиий ресурсларни юқори ривожланган сановат билан бирлаштирган ҳолда ҳамкорлик қилиш иккала томон учун ҳам манфаатлидир.

Эксперт ўз мақоласида Япониянинг Марказий Осиё мин-тақаси ва Ўзбекистон билан муносабатларининг ривожла-ниш тарихи, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва сановат соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ёзди.

«Ташриф якунида қабул қилинган Қўша баёнотда Ўзе-кистон Президенти Ислам Каримов ва Япония Бош вазири Наото Кан Афғонистондаги вазиетнинг ёмонлашувини эъти-борга олган ҳолда Марказий Осиёда терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилиш, Афғонистоннинг бутун минтақда барқарорлиқни таъминлашдаги аҳамиятини ино-батга олган ҳолда, ушбу мамлакатга кўмаклашувчи тараф-дори эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Қўша баёнотда фойдали қазилма конларни ўзлашти-ришдан ташқари, сийбый, иқтисодий соҳаларда ва глобал вазифаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, 325 километрик Қарши — Термиз темир йўлини электр-лаштириш тўғрисида ҳам айтиб ўтилган. Япониянинг мо-лийвий ва техникавий кўмагидан фойдаланган ҳолда Ўзе-кистонда таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ри-вожлантириш каби бошқа қўллаб иқтисодий-иқтисодий тар-моқлар ҳам ҳамкорлик соҳаларини ташкил этади. Қўша баёнотда шунингдек, савдо-сотикни ривожлантиришга кўмаклашувчи ва Ўзбекистон Республикасига Япония сар-мояларини жалб этишга ҳам алоҳида ургу берилган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти хорижий сармоядор-лар учун кенг имкониятлар яратган ҳолда жадал сурват-ларда ривожланмоқда. Бундан ташқари, глобал инкироз даврида пухта ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотлар, са-новат ва қишлоқ ҳўжали ишлаб чиқариши ҳамда банк со-ҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватлалиши, Марка-зий Осиёда иқтисодий муъжизанинг яратилишига туртки бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатда иқтисодий ўсишга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган», дея ўз фикрини яқунлайди эксперт.

Япония Молия вазиригининг собиқ ходими, Мар-казий Осиё бўйича эксперт Масару Хонма, мамлака-тимизга самимий меҳри боис, Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сийбатида юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб боришни маълум қилди. «Мен Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Ислам Каримовнинг Японияга қил-ган муваффақиятли ташрифини олқишлаймман. Мазкур таш-риф доирасида стратегик аҳамиятга молик ҳўжатлар им-золанди ва муҳим қилишларга эришилди. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришига ҳамда Ўзбекистон ва Япония иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилишига аминман», деди у.

«Жаҳон» АА

РАҚОБАТ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис бўлса керак, қўша корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда хариддориг, балки хорижий бозорда ҳам кабелларга талаб ортмоқда. Ҳозирги кунда «Ўзбеки-стонда ишлаб чиқарилган» тамгаси билан корхона Қозоғис-тон, Украина, Грузия, Афғонистон каби давлатларга жа-ҳон андозлари даражасида тайёрланаётган товарлар эк-спортини амалга оширмоқда. Шунинг баробарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш жа-раёнилари изчил давом эттириляётир. Янги лойиҳа асоси-да яқин кунларда юқори ишлаб чиқариш қувватига эга линиянинг биринчи навбати ишга туширилади. Кейинча-лик иккинчи навбатига гал берилади.

Бундан ташқари, иқтисодиётимиз равнақида илм-фан-нинг беқеъс ўрнини таъкидлаган ҳолда, қўша корхона-да ташкил этилган синол лабораторияси хусусида тўхта-либ ўтиш лозим. Маҳсулот сифатини доимий назорат қилувчи махсус лабораторияда малакали мутахассислар талабчанлик билан меҳнат қилишади. Ишлаб чиқарила-ётган маҳсулот хариддорлигини таъминлашда, бюрут-малар кўпайишида уларнинг муносиб ҳиссалари бор. Ай-ниқса, янги-янги лойиҳа, ишланмалар яратилишида ҳам изланувчан ёшларнинг ўрни бўлақча.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛЕВА Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Спорт янгиликлари

Беш ёшли Нафиса Очилова — кўзлари қувнаб турувчи, жуда чаққон ва чечан қиз. Ҳар куни эрталаб богчасига шошади. Ўртоқлари билан мацца қилиб ўйнайди, кўшиқ айтади, ёзиш-чиизишни ўрганади, энг асосийси, ўзи севган машғулот — бадий гимнастика билан шуғулланади.

САЛОМАТЛИК ВА НАФОСАТГА ИНТИЛИБ...

— Қизим телевизорда бадий гимнастикачиларимиз бажарган композицияларга, нозик ҳаракатлар ва чиройли қадам ташлашга ҳавас қилар, кўрган машқларини уйда ўзича такрорлаб юрарди, — дейди Нафисанинг онаси Райхон Исарова. — Унинг богчасида бадий гимнастика тўғрисида оқиланишни эшитиб, ҳаммамиз севиндик. Бу тўғраракка қатнаганидан бери қизимнинг саломатлиги сезиларли даражада яхшиланди. Илгари у тез-тез шамоллаб, беҳол бўлиб юрар эди. Энди эса анча соғлом. Қизимнинг қоматини тик тутиб юришига кўпчиликнинг ҳаваси келади. Нафиса кичкина бўлишига қарамай, ўз устида ишлаётганини кўриб, спортнинг болалар камолотида қанчалик муҳим ўрин тутишини яна бир бор англадим.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 506-мактабга таълим муассасасида икки ёшдан етти ёшгача бўлган 225 нафар бола тарбияланади. Бу ерда улар вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, богчада хитой тили, шашка, бадий гимнастика тўғрисидаги мусиқа сабоқлари ташкил этилган. Байрамлар муносабати билан турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, концертлар ўтказилади.

— Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида келажакимиз эгалари бўлган болаларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайиши, уларнинг кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб яшашини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам, — дейди мазкур богча мудириси Зулфия Калонова. — Фарзандларимиз дунёқарашини болаларимизнинг эзгу ғоялар асосида шакллантириш, қизиқишига қараб йўналтириш уларнинг ҳар томонлама қомил инсонлар бўлиб вояга етишида катта аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини, айниқса, спортнинг қизларга мос турларини жадал ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида спортнинг нафис тури қизларимиз ўртасида тобора оммалашмоқда. Бугун нафақат мактаб ёшидаги қизлар, балки богча тарбияланувчиларига ҳам бадий гимнастика ва гимнастраданнинг бошланғич элементлари ўргатилаётган.

506-мактабга таълим муассасасининг бадий гимнастика тўғрисидаги қизлар 4-5 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Тўғрарак йўриқчиси

уларга бадий гимнастика ва гимнастрада сирларини ўргатмоқда. Машғулотлар ўтказиладиган зал гимнастика ғилами ва махсус жиҳозлар билан таъминланган.

— Тўғраракимизда машғулотлар қизларнинг ёшига қараб 15-25 дақиқадан ҳафтасига икки марта ўтказилади, — дейди бадий гимнастика тўғрарак йўриқчиси Насиба Умарова. — Қизалоқларни зериктириб, чарчатиб қўймаслик учун машғулотларни қизиқарли олиб боришга ҳаракат қиламиз. Бунда турли усуллардан, уларнинг ёшига ва кайфиятига мос мусикалар, жониворлар акс этган кийимлар ва ўйинчоқлардан кенг фойдаланамиз. Машқлар жараёнида асосий эътиборни болаларни соғломлаштиришга қаратамиз.

Бадий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, мусиқа ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар муҳим ҳисобланади. Ушбу спорт тури қизларни эпчил ва нозик ҳаракат қилишга, қатъий кун тартибига, тўғрарак овқатланишга ўргатади, ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлашга, қомат гузаллигини таъминлашга хизмат қилади.

— Богча ёшидаги болалар шўх, ҳар нарсага қизиқувчан бўлади, — дейди болалар психологи Алёна Оллоёрова. — Кичик ёшдан жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш уларнинг соғлом бўлишига, турли касалликларга қарши иммунитетни кучайтиши, иродаси мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бадий гимнастика билан шуғулланган қизлар қадди-қоматини тўғрарак тутишга ўрганади. Бу эса уларда сколиоз — умуртка поғонаси қийшайиши каби касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА муҳбири

ҲАМЮРТИМИЗ СОВРИНДОР

Россия пойтахти Москва шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Олимпиада ва жаҳон чемпиони Борис Гуревич хотирасига бағишлаб уюштирилган ушбу турнирда юртимиз шарафини 69 килограмм вазнда химоя қилган Муҳаммадали Шамсутдиновга бронза медали насиб этди. Шунингдек, спортчиларимиздан Асрор Муҳиддинов 54 килограмм вазнда 5-ўринга лойиқ кўрилган бўлса, Фазлиддин Намозов ва Низом Ходиев кучли ўнликдан жой эгаллашди.

«ЛОКОМОТИВ» ТАРКИБИ КУЧАЙМОҚДА

Ўтган мавсумни анчагина бўш ўтказган пойтахтимизнинг «Локомотив» жамоаси жорий йилда муҳлисларини хурсанд қилишни ва ялбатта, профессионал футбол лигасига қайтишни ният қилган.

Шу боис ҳам бошланмак чемпионатга пухта тайёргарлик кўраётган пойтахтлик футболчилар ўқув-йиғин машғулотларини БААда давом эттириш мақсадида Тошкентдан жўнаб кетишди. БААда ўн кун давом этадиган ўқув-йиғин машғулотлари доирасида бир нечта хорижлик клублар билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашиш режалаштирилган. Дарвоқе, темирўлчилар таркиби ҳам кучаймоқда. Чунки айни кунларда «Локомотив» машғулотларида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ аъзоси, моҳир химоячи Бахтиёр Ашурматов иштирок этмоқда. Сўнги маълумотларга қараганда моҳир ҳужумчи терма жамоамизда кўп йиллар муваффақиятли тўп сурган Зайниддин Тожиев ҳам «Локомотив» шарафини химоя қилиши мумкин.

«ПАХТАКОР»НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Янги мавсумга Туркияда жиддий тайёргарлик кўраётган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси ўз олдига миллий чемпионатда голиб бўлишни мақсад қилган.

Шу боис ҳам Туркияда ўқув-йиғин машғулотлари доирасида назорат-ўртоқлик учрашувларини уюштиришни режа қилган пахтакорчилар дастлабки ўйинда ишончли тарзда зафар кучишди ва муҳлисларини шод этишди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари Венгрия чемпиони «Дебрецен» жамоаси билан уюштирилган учрашувда тўлиқ устунликка эришди ва 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Венгрияликлар дарвозасига голларни пахтакорчилардан Шихов, Миладинович (пенальти), Абдухалиқовлар йўллашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Анжуманлар

ЁШЛАР СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Тадбирда сўзга чиққан туман хотин-қизлар кўмитаси раиси А.Идрисова жамият ривожига соғлом турмуш тарзини шакллантириш омилини, спорт билан мунтазам шуғулланиш, соғлом она ва соғлом бола йўналишида оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб, бу борада фаолиятни янада ривожлантиришда кичик жамият ҳисобланувчи оилаларнинг ўрни катта эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси шифокори У.Мамараймова, Маънавият-тарғибот маркази туман бўлими раҳбари М.Разақовалар ҳам мавзу доирасида сўз юритиб, бебаҳо бойлик бўлган соғлиқни асраш, ҳар бир киши ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиши, саломатлик учун хатарли ва зарарли одатлардан воз кечиш, фарзандларини соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан камол топишга йўналтирилган ҳаёт тарзи тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ҳамза туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, тиббиёт бирлашмаси, Маънавият-тарғибот маркази туман бўлимилари ҳамкорлигида 255-умумтаълим мактабида мутахассислар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, тадбир давомида йиғилганлар эътибори жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва қарор топтириш нафақат ёш келинлар, балки уларнинг турмуш ўртоқлари ҳамда қайнона ва қайноталарнинг маънавий дунёқарашига боғлиқ эканлигига қаратилиб, бу борада ҳам

маҳаллаларда учрашувлар ташкил этиш лозимлиги тавсия қилинди. Тадбир сўнггида ёшлар томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофида жавоб қайтаришди.

Беҳзод ҲИДОЯТОВ,
«Камолот» ЁИҲ туман бўлими етакчиси

ди. Уларнинг юзасига туз кукунини сепиб манти қозонда бўғда пиширилади. Одатда шолғом яхналари бир соатга етар-етмас қиёмига етиб пишади.

Ёмби-ёмби бўлиб пишган шолғом бўлаклари лаганга терилиб, тобига етказилган, устига қаймоқ ёхуд сариеф суртилиб дастурхонга тортилади.

Шолғом яхнаси куруқ изтиробли йўталга таскин беради, ёпишиб турган балғамнинг кўчишига омилкорлик қилади, овозини очиб равон этади. Шолғом яхнаси бод билан боғлиқ суюқ қақшоқларида малҳамлик қилади, қовуқдаги тошларни нуратиб тушириш қобилиятига эга. Шолғом яхнаси маълум даражада қувватбахшлиги билан ажралиб туради.

Шолғомли бостирма. Шолғом пўстидан холи этилиб майда тўртбурчак қилиб тўғралади, гўшт билан ёғ икки энлик қаламдай қилиб, пиёз эса халқа кўринишида тўғралади. Тайёрланган масалликлар бир идишга солиниб, туз, зира ва мурча сепиб аралаштирилади-да, қозонга солиб бетига ликопча ёпиб бостириб қўйилади ва масалликларнинг юзи баробар сув қуйиб оловга қўйилади. Қиёмига етиб пишган таомни дастурхонга тортишда човлида сузиб олиб, лаганга солинади, таомнинг юзасига қирқилган ошқўқлар (ўкроп, крафш, карьяфс, кўк пиёз) севилади.

Бостирма қилиб тайёрланган шолғом дамламасининг даволиги шундаки, у кўзни равшанлаштириб, илғаш хусусияти ошишига ёрдам қилади, шамоллаш билан боғлиқ касалликларда таскинлик беради, уйқунинг тинч бўлишига мойиллик яратади, грикисизлантирувчи, ҳароратни пайсантирувчи хусусиятларга ҳам эга.

Дано ХҲАЕВА,
олий тоифадаги доришунос



Ёркин Шамсидинов (ЎЗА) олган сурат

Мавсум таомлари

ШАМОЛЛАГАНДА ТАСКИН БЕРАДИ

Тадбиркор, кўпни кўрган уй соҳибалари ҳар фаслнинг табиатига қараб саломатликни муҳофазаловчи, қувват бағишловчи мос таомларни тайёрлашга ҳаракат қиладилар. Айни совуқ тушган паллардада кишини шамоллашдан сақловчи ҳамда бир қатор хасталиклар давоси сифатида фойдаланиладиган сабзавот маҳсулотлари ичида шолғом энг фойдали неъматлардан бири ҳисобланади.

Кўйинг-чи, кўхна замонлардан ҳали картошка бизнинг ўлкамизга етиб келганига қадар шолғом асосий таом маҳсулотлари қаторидан жой олган. Кўйда шолғомдан тайёрланадиган айрим таомлар хусусида тўхтаб ўтамиз.

Шолғомли шўрва. Мазкур таом шифолиги билан ажралиб туради. Илгир ёрилган кўй суюғи гўшти билан қозонга солиниб енгил алангада чамаси 2 соат қайнатилади-да, шўрваси сузиб олиниб, унга ёғлиқроқ лаҳм гўшт, пўстидан холи қилинган сабзи, кунгура қилиб тўғралган пиёз, шолғом, номигагина картошка солиниб яна 1 соатлар чамаси милтиллатиб қайнатилади. Одатда, шолғом ярим, гўштни йирик кесиб шўрвага солинади. Шўрванинг шифолик, дармонбахш даражасини ошириш учун бўлғор қаламири, помидор, дафна барги ҳам солинади. Шўрванинг пишиши

арафасида тузи росланади. Ошқўқлардан ўкроп, крафш (петрушка) ёхуд карьяфс (селдир) солинса, янада яхши. Мабодо ошхона бисотида куриб заҳирага айлантирилган ошрайхон, ҳожирайхон кукунга ёки сархил ўзи бўлса, улар билан таомни кўйлаш мақсада мувофиқ бўлади.

Шолғомли шўрва лаззатли, хузурубаш таом бўлиши билан бирга, аъзои раисаларнинг фаолиятини мустаҳкамлайди, шамоллаш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олади, меъда-ичак йўлининг равон бўлишини таъминлайди.

Шолғом яхнаси. Уй шароитида шолғом яхнасини тайёрлаш қийин эмас, уни хатто пазандалик малакасига эга бўлмаган кишилар ҳам осон пишириши мумкин.

Ўртаси пўк бўлмаган жайдари шолғом пўчоғидан холи этилган, бир энлик қалинликда халқа-халқа қилиб тўғрала-



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4581 нусхада босилади.
Қоғоз бېғими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ҲАЁТ ҲАҚИДА

Тажрибалилар — ҳаётнинг қайси бўлоғи ширини, қайси шўрлигини яхши биладилар.

Ҳаётнинг берганини ҳам, олганини ҳам сеза билиш керак.

Тўғри йўлда туриш бошқа, ундан юриш бошқа.

Ҳаётнинг маъноси — мукаммал яшамокдир.

Инсон — ўз хатти-ҳаракатларига ҳос яшайди.

Ҳаётда ҳам дили, ҳам тили ёқимли одамлар яхши яшайди.

Мақсадсиз ва умидсиз ҳаёт — ҳаёт эмас.

Ҳаётни ёлғоннинг устига қуриб бўлмайди.

Ҳаёт — ер шари билан баробар ҳаракатда, уни тўхтайтиб бўлмайди.

Яшаш бошқа, тирик юриш бошқа.

Ҳаётни севувчи унинг иллатларини даф этиб юриши керак.

Ҳаётга нима берсак, ундан шуни оламиз.

Гул — тикани билан мужассам.

Ҳаёт — тўлқинлардан иборат.

Ҳаётда олға кетган ҳам, орқада қолган ҳам, унинг қалтагини ёйди.

Дунёнинг мазмун мураккабдир, шунга кўра уни ҳар ким ҳар хил изоҳлайди.

Ҳаёт жуда сахий, ҳаракат қилганга баракат кўшаверади.

Жасоратли одамларнинг қисқа умрларидан мангуликлар қолган.

Одам ҳаётга топилганларни йўқотиш учун эмас, янгиларни топиш учун келади.

Ҳалол ва уддабурро одамлар учун ҳаёт жуда лаззатлидир.

Энг оғир ҳаёт — ёлғиз қолишдир.

Инсон — ҳаётнинг умрбод толибидир.

Ҳар бир киши ҳаётга берганидан ортиқ олса, у инсофсиздир.

Мукаммал ҳаётга эришиш енгил эмас. Баҳор ҳам қишнинг азобини кўрган.

(Давоми бор)



Тошкент шаҳрида 22 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, кундузи ёғин-гарчилик бўлмайди. Ғарбдан секинликда 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат — 3-5 даража илқ, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 22 февраль кунини эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг яфлосаниши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағкиқдори наст бўлади.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати академиянинг 2-сонли ижтимоий фанлар кафедраси доценти, меҳнат фахрийси

Кахрамон Раджабович ТУРСУНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига ҳақур таъзия билдиради.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоб акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1235